Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 54 (3553)
3 ЖУМА
МАРТ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Бугун Тошкентда Ўзбекистон комсомолининг XXI съезди ўз ишини бошлади

Республика ёшлари анжуманининг қатнашчиларига алангали салом!

ФАН ЮТУҚЛАРИ — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИДАН

Кеча Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг XII пленуми бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари «КПСС XXV съезди қарорлари асосида халқ хўжалигига илмий-тадқиқот натижаларини жорий этишнинг самарадорлигини ошириш ва уни жадаллаштириш юзасидан шаҳар партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин доклад қилди.

Экономиканы ривожлантиришнинг муҳим масалаларидан бири, — деб таъкидлади докладчи, — илмий-техника тараққиёти суръатларини жадаллаштиришдир. КПСС XXV съезди қарорларини бажара бориб, шаҳар партия ташкилоти буни ўз ишининг асосий йўналишларидан бири қилиб белгилади. Фан, техника ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, институтлар, лойиҳа ва конструкторлик ташкилотлари фаолияти масалаларини мунтазам равишда шаҳар ва район партия комитетлари пленумларида ва бюроларида, бошланғич партия ташкилотларида таҳлил этилмоқда.

Республика пойтахтида йирик илмий кучлар мужассамлашган. Ҳозирги пайтда бу ерда ўнлаб бирлашмалар ва йирик корхоналар ишлаб турибдики, уларда илмий-техника тараққиётини тезлаштириш, мутахассислар ишининг самарасини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилган.

Сўнгги етти йил ичида шаҳар корхоналари ва конструкторлик бюролари томонидан 5 мингдан зиёд замонавий машиналар, прибор ва аппаратлар ишлаб чиқилди ва ўзлаштирилди. Беш йиллик бошидан буён илмий-техника программалари ва тажриба-конструкторлик ишлари юзасидан 2.5 мингдан зиёд топшириқ адо этилди. Уларнинг фақат саноат соҳасида берган иқтисодий самараси 40 миллион сўмдан зиёдроқни ташкил этди.

Фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мунтазам мустаҳкамлаш, бу йўналишда партия ташкилотлари ишининг самарасини тасдиқловчи кўплаб мисоллар келтириш мумкин. КПСС XXV съезди томонидан белгилаб берилган вазифаларни бажаришга нефть ва газ конлари, ўсимликлар эксперименталь биологияси, ҳисоблаш марказли кибернетика, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг экономика институтлари, ЦНИИХпром, СредазНИИпромцветмет, ВНИИпромгаз филиали ва бошқа кўплаб институтларнинг коллективлари салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Олий мактаблар олиб бораётган таъдқиқотлар туб жиҳатдан кенгайди ва чуқурлашди. Шаҳар олий ўқув юртларида 24 проблемали лаборатория, 7 та тармоқ лабораторияси иш олиб бормоқда. Масалан, Тошкент политехника институти коллективидан беш йиллик бошидан буён ихтирочилик бўйича 169 та авторлик гувоҳномаси ва ижобий натижалар олинди. Илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва уларни жорий этишда ҳар тўрт студентнинг бири иштирок этмоқда. Автомобиль йўллари, тўқимачилик ва енгил саноат, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтлари, Тошкент Давлат университети ва бошқа олий ўқув юртлари партия ташкилотлари ўз ишларини ана шундай самарали ташкил этмоқдалар.

Техника тараққиёти вазифаларини ҳал этишда шаҳар партия комитети, район партия комитетлари қошидаги илмий-техника тараққиётига кўмаклашувчи кенгашлар, илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик бюролари, ихтирочилик ва рационализаторлик бюролари, иқтисодий анализ группалари, жамоатчилик асосида ишлайдиган конструкторлик ва технологик бюролар роли муттасил ошиб бормоқда. Шаҳар ихтирочилари ва рационализаторларининг сафи кенгаймоқда.

Партия ташкилотлари илмий-техника кадрларини танлаш, жойжойига қўйиш ва тарбиялашга мунтазам ғамхўрлик қилмоқда. Илмий интеллигенция ўртасида партиявий-сиёсий ишлар тобора табақалашган ҳолда олиб борилмоқда, ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбиянинг узвий бирлигини таъминлашга эътибор берилмоқда. Илмий-тадқиқот институтлари, лойиҳа ташкилотлари, конструкторлик бюролари партия ўқуви системасида беш мингдан зиёд коммунист шуғулланмоқда. Уларнинг кўпчилиги шаҳар марксизм-ленинизм университетини битирган ёки ўқишни давом эттиришяпти.

Шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ташкилий ва сиёсий ишларни янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бироқ, халқ хўжалигида фан ва техника муваффақиятларидан фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқариш ва маҳсулот сифатини ўстиришнинг ҳозирги талабларига тўла жавоб беради, деб бўлмайди. Бу масаладаги камчиликларнинг асосий сабаби шуки, шаҳарнинг бир қатор илмий ташкилотлари халқ хўжалигига илмий тадқиқотларни жорий этишни тезлаштиришга етарлича қизиқмаётирлар.

Бу ишларни такомиллаштириш ва илмий-техника тараққиётини суръатларини ошириш мақсадида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, республика Давлат планкомитети, партия ташкилотлари илмий тадқиқотларни ва уни ишлаб чиқаришга жорий этишни координациялаш бўйича кенгашларни мамлакатнинг бир қатор илмий марказлари тажрибалари асосида ташкил этишни тезлаштиришлари керак. Бу ишга Тошкентни социал-иқтисодий комплекс ривожлантиришни планлаштириш совети ва унинг комиссиялари, шаҳар ва район партия комитетлари қошидаги, меҳнат коллективларидаги илмий-техника тараққиётига кўмаклашувчи кенгашлар ўз ҳиссаларини қўшишлари керак. Ташкилотчилик ва ғоявий сиёсий ишларда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада активлаштириш уларнинг илмий-тадқиқот институтлари, лабораторияларида бўлимлар ишларининг барча жиҳатларига таъсирини кўчайтириш асосий вазифа ҳисобланади.

Илмий лойиҳалаш ва конструкторлик ташкилотларида кадрлар билан ишлаш юзасидан ҳам кўпгина вазифалар турибди. Уни муттасил такомиллаштириш район партия комитетлари, бу муассасалар бошланғич партия ташкилотларининг биринчи галдаги вазифасидир. Бунда илмий ва техника ижодиёти ҳамда ўқув жараёнида партиявийлик ва коллективизм принципини ривожлантириш, коммунистларнинг авангардлик ролини кучайтириш муҳимдир.

Пойтахт коммунистлари, барча меҳнаткашлари юбилей йилида шаҳарликларнинг меҳнатига юксак баҳо берилгани — Тошкентнинг КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланганлигини ғоят қизғин кутиб олдилар. Шаҳарнинг илмий ва ишлаб чиқариш коллективлари, деди ўз сўзининг охирида К. П. Дудин, партия ташкилотлари раҳбарлиги остида самарадорлик ва иш сифатини ошириш учун социалистик мусобақага янада активроқ қўшиладилар, КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли амалга оширишга баракали ҳисса қўшадилар, деб ишонтиришга ижозат этгайсиз.

Музокарада сўзга чиққан Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари Т. Э. Эргашев илмий-техника тараққиёти суръатларини оширишда бошланғич партия ташкилотларининг авангардлик ролини таъкидлаб ўтди. Районда кўпгина илмий-тадқиқот институтлари, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари ишлаб турибди. 1977 йилда улар томонидан 12 миллион сўмликдан зиёдроқ лойиҳа-қидирув ишлари бажарилди. Илмий-тадқиқот ишларини жорий этишдан 20 миллион сўмликдан зиёд иқтисод олинди. Бунга илмий ташкилотларнинг ишлаб чиқариш коллективлари билан узвий алоқаси имкон берди.

Фаннинг ишлаб чиқариш билан ҳамкорлиги меҳнат унумдорлигини оширишга, корхонанинг бутун фаолиятини яхшилашга жуда катта таъсир қилмоқда. Бу ҳақда сўзга чиққан «Компрессор» заводи директори Н. С. Новаченко айтиб ўтди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси институтлари олиб бораётган тадқиқотлар халқ хўжалигида кенг қўлланилмоқда. Электроника, кибернетика, механика ва сейсмология, ўсимлик моддалари химияси институтлари ва бошқа бир қатор институтларнинг коллективлари «Ташсельмаш», трактор, химия-фармацевтика заводлари, Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, қурилиш ташкилотлари билан узвий алоқада иш олиб боришяпти. Уларнинг ёрдамида технологик жараёнлар янгиланмоқда, янги хил машина ва ускуналар яратилмоқда, уларнинг чидамлилиги оширилмоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг олимлари, деб таъкидлади пленумда сўзга чиққан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти С. Х. Сирожиддинов, техника тараққиётининг, пойтахт илмий ва иқтисодий потенциалини оширишнинг асосий йўналишларини амалга ошириш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

«Сигнал» илмий ишлаб чиқариш-техника бирлашмаси токари Ю. Баженов коллективнинг илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси шароитларида қандай иш олиб бораётгани тўғрисида гапириб берди. Бирлашма ташкил этилиши лойиҳа-қидирув ва конструкторлик ишларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишни тезлаштириш имконини берди. Ўнинчи беш йилликда коллектив фақат пахтачилик саноати корхоналарининг ўзидагина ўн хил янги прибор, бошқа бир қатор янги техника воситаларини тайёрлашни белгилади.

Илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари олимлари тез-тез «Ташсельмаш» заводида меҳмон бўлиб туришади. Корхона 20 дан зиёд илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари билан ижодий алоқа ўрнатган. «Ташсельмаш» заводи партия комитетининг секретари С. Қ. Тожиев бу ҳақда гапириб бир неча қизиқарли мисоллар келтирди. Масалан, олим ва конструкторларнинг кўмаги ХВН— 1,2 А пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни анча тезлаштириш имконини берди. Уни ўзлаштириш натижасида ҳар бир машинага ҳисобланган йилига 5 минг сўмдан зиёдроқ иқтисодий фойда олинмоқда. Завод ишчилари билан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг электроника, кибернетика, механика ва сейсмология институтлари, Тошкент политехника институти ва бошқа институтлар коллективлари актив ҳамкорлик қилишяпти.

«Технолог» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари Л. А. Игнатов ўз сўзида янги илмий ишларни ишлаб чиқаришга жорий этиш муддатларини қисқартириш масалаларига тўхталиб ўтди. Бу бирлашма муваффақиятлари пойтахт меҳнаткашларига кенг маълум. Коллектив ишнинг янги форма ва методларини қўллаб, камчиликларга барҳам бера бориб, беш йиллик хазинасига салмоқли ҳисса қўшди. «Ташсельмаш», трактор. «Ташхимсельмаш» заводларида, «Узбексельмаш» бирлашмасида қўлланилаётган бу бирлашма ишлари кўп минг сўмлик иқтисод олиш, бир қатор цех ва участкаларда меҳнат унумдорлигини кескин ошириш, пойтахтда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик техникасининг чидамлилигини ошириш имконини берди.

Тошкент политехника институтининг ректори К. С. Аҳмедов олий ўқув юртининг олимлари студентлар коллективи илмий-тадқиқот ишларида. фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишда қатнашиб. қандай иш олиб бораётганликлари тўғрисида сўзлади.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев якунловчи нутқ сўзлади.

Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Б. Ғ. Халилов шаҳар партия комитети IV пленумининг «КПСС XXV съезди қарорлари асосида бошланғич партия ташкилотларининг ролини ошириш тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши тўғрисида ахборот берди.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. М. Ф. Солдатовни пленум аъзоси. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари ва бюро аъзоси қилиб сайлади.

Пленум ишида Тошкент область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев иштирок этди.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

КЕЧА

Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ёшларнинг илмий-техника ижодиёти виставкаси очилди. Унда республика ёш ишлаб чиқариш новаторлари кўргазмининг якунловчи босқичида ғолиб чиққанлар иштирок этишмоқда. Мингдан ортиқ экспонатлар рационализаторлар, ишлаб чиқариш илғорлари — моҳир қўлларнинг технологияни такомиллаштириш, маҳсулот сифатини ошириш, корхоналарда қўл меҳнатини енгиллаштириш борасида олиб бораётган ишлари ҳақида ҳикоя қилади.

Тошкентдаги пахтачилик машиналари Давлат махсус конструкторлик технология бюроси, геология министрлиги, республика граждан авиация бошқармасига қарашли корхоналар ва ташкилотларнинг ёшлари олиб бораётган ишлар диққатга сазовордир.

БУГУН

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида жамоатчилик вакилларининг бўлиб ўтган тантанали йиғилиши болгар халқи ўсмонийлар зулмидан озод қилинганлигининг 100 йиллигига бағишланди. Унда кардош Болгария Халқ Республикаси билан дўстлик ва маданий алоқа ўрнатган корхоналарнинг вакиллари қатнашдилар. Тошкент область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев ана шу йиллик муносабати билан доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари болгар-совет дўстлиги жамияти адресига табрик мактуби йўлладилар.

●

Крупская номли мактабгача ёшдаги педагогика билим юртининг бинокор байрам либосига безатилди. Бу ерга Чилонзор районидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг илғор хотин-қизлари марҳамат қилдилар. Билим юрти биносида халқаро хотин-қизлар куни—8 март муносабати билан тантанали кеча ўтказилди. Унда ишлаб чиқариш корхоналарининг илғорлари ва зиёли аёллар сўзга чиқиб, бугунги фаровон турмуш учун партия ва ҳукуматга ўзларининг чексиз меҳр ва муҳаббатларини изҳор қилдилар.

Тантанали кечада маданият уйлари, мусиқа билим юртлари, опереттa театри артистлари иштирокида концерт берилди.

Чилонзор районининг хотин-қизлари ижтимоий турмушда актив қатнашмоқдалар. 125 хотин-қиз маҳаллий Советларнинг депутатларидир, 3 аёл Ўзбекистон ССР Олий Советига депутатликка сайланган, 106 хотин-қиз бошланғич партия ташкилотларининг секретарлиги вазифасини олиб боришмоқда, 57 аёл корхона ва муассасаларнинг раҳбари ҳисобланади.

●

Тошкентдаги санитария техника ускуналари тажриба заводида «Комфорт» конвекторининг янги тажриба намунаси тайёрланди. Москвадаги санитария техникаси илмий-тадқиқот институти коллективи ишлаб чиққан бу конструкция ўзининг иссиқлик техникаси характеристикаси бўйича аввалги модификациядан икки марта унумли ишлайди.

Янги маҳсулотнинг дастлабки партияси шу йилнинг ўзида харидорларга бориб тегади.

Эртага

Тошкентда ўтаётган Бутуниттифоқ «болалар ва ўсмирлар музикаси ҳафталиги» программаси бўйича шаҳримизнинг кўпгина мактабларида бадиий ҳаваскорлик коллективларининг чиқишлари, болалар хор ва хореографик коллективларининг концертлари намойиш қилинади. Бу маданий тадбирлар 91, 42, 53, 161-ўрта мактабларда, Фрунзе районидаги 4-болалар боғчасида ташкил этилади. Низомий номли педагогика институтининг студентлари ҳам бу тадбирларда қатнашиб суҳбат ўтказадилар ва концерт берадилар.

7-мартгача давом этадиган «Болалар музикаси ҳафталиги» республика бўйича 5634 болалар боғчасида, 7300 дан ортиқ умумий ўрта таълим мактабида, 240 музика мактабида, 172 пионер уйи ва саройларида ўтказилади. Уларда Ўзбекистон композиторлари, санъат ва маданият арбоблари билан учрашувлар ташкил қилинади.

ЁШЛАРНИНГ КУЧ-ҒАЙРАТИ ВА ИЖОДИ — СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК БЕШ ЙИЛЛИГИГА

АҲДГА ЯРАША

«Главташкентстр о йининг 6-трестига қарашли 47-қурилиш бошқармасида илғорлар ҳақида гап боргудек бўлса, Роберт Цой бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси шаънига ҳам илиқ сўзлар айтилади. Бу илғор коллектив ҳозир саноат объекти қурилишида пардозлаш ишларини олиб боряпти.

Ёш қурувчилар ВЛКСМнинг XVIII съездини муносиб туҳфалар билан кутиб олишга бел боғлашиб, съезд очиладиган кунгача 3 йиллик топшириқни бажариш мажбуриятини олишди.

— Юксак аҳдга эришиш йўлида С. Матмусаев, Р. Қурбонов, Л. Иванова ва Т. Овчинникова унумли ишлашиб, пешқадамлик килишмоқда, — дейди бригада бошлиғи Р. Цой. — Улар кунлик нормаларини 1,5—2 ҳисса қилиб бажаришяпти.

Ғолиб коллектив уч йиллик планни СССР Конституциясининг бир йиллиги куни—7 октябргача бажариш ва топшириққа қўшимча 15 минг сўмлик бунёдкорлик ишларини амалга оширишга аҳд қилди.

БРИГАДИРГА ТЕНГЛАШИБ

Тошкент трактор заводидан В. Зайцев бошлиқ комсомол-ёшлар коллективи Ўзбекистон ЛКСМ XXI съездини аъло меҳнат ютуқлари билан кутиб олди. Бригадирнинг ўзи мусобақада намуна кўрсатди.

Владимир корхонага бундан ўн йил муқаддам келган эди. Шу корхонада ишлаб, кечки мактабни битирди, сўнгра машинасозлик техникумига ўқишга кирди. 1973 йилда Совет Армияси сафига чақирилди. Хизматдан қайтгандан сўнг ўзининг қадрдон 7-цехига қайтиб, комсомол-ёшлар бригадасига бошчилик қилди.

Владимир Зайцев — цех комсорги. ёшлар социалистик мусобақасининг етакчиси Кунлик норманы 125 процентдан ошириб бажармоқда. Улуғ Октябрь 60 йиллиги шарафига ажойиб муваффақиятларга эришгани, меҳнатдаги юксак кўрсаткичлари учун у «Аврора» афсонавий крейсери байроғи олдида суратга тушиш шарафига муяссар бўлди.

Владимир ВЛКСМ XVIII съезди очиладиган кунгача йиллик топшириқни бажариш мажбуриятини олди.

БИР БЕШ ЙИЛЛИКДА — ИККИ БЕШ ЙИЛЛИК

— «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ёш йигитгирувчиси Ш. Холмуҳамедовнинг шиори ана шундай. Унда ўз аҳдига эришиш учун тўла асос бор. Ахир, у 1977 йилнинг 4 октябрь куни тўрт йиллик топшириқни бажарган эди-да. Шонра ҳар куни нормани 200 процентдан ошириб бажаряпти. У ўзининг беш йиллик шахсий планини 1978 йил 22 апрель куни— В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллиги кунида адо этмоқчи.

Тошкент шаҳар Совети депутати. Меҳнат Қизил Байроқ ва Ҳурмат белгиси орденларининг кавалери. ёш йигитгирувчи Ш. Холмуҳамедова бугун 1980 йилнинг август ойи ҳисобига меҳнат қилиб, янги маррага эришди.

«ДРУЖБА» ПОЕЗДИНИНГ САФАРИ

БУГУН

Ватанимиз пойтахти Москвадан йўлга чиққан «Дружба» ёшлар туристик поезди қардош Германия Демократик Республикасининг шаҳарлари бўйлаб саёҳатини бошлади. «Дружба» туристик поездида мамлакатимизнинг 400 дан ортиқ ишлаб чиқариш илғорлари бор.

Тошкент шаҳридаги бир қатор корхоналарнинг илғорлари ҳам ана шу дўстлик сафарида иштирок этишмоқда. Тошкент тўқимачилик комбинати илғор комсомол-ёшлар бригадасининг аъзолари Е. Бинфет. В. Корнилова ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу икки дугона социалистик мусобақада голиб чиқиб, жамоат ишларида актив қатнашганликлари учун ёшлар ташкилотларининг бепул йўлланмаси билан тақдирландилар.

Саёҳатчилар қардош Германиянинг Берлин, Потсдам, Галле, Веймар, Росток сингари шаҳарларида бўлишади.

МОНТАЖ ТУГАЛЛАНДИ

Тошкент санитария-техникаси жиҳозларини монтаж қилиш трестига қарашли «Газмонтаж» бошқармасининг Иван Милешкин бошлиқ бригадаси аъзолари трестда биринчилардан бўлиб, москваликлар ва ленинградликларни и н г ватанпарварлик ташаббусига қўшилишиб, СССР Конституцияси қабул қилинган кунининг бир йиллигигача беш йилликнинг уч йили план топшириқларини бажаришга аҳд қилишган эди. Коллектив йил бошидан юксак сифат ва самарадорликка эришишга муваффақ бўлмоқда.

БУГУН

Бригада коллективи 15-шаҳар касалхонасининг янги биноси қурилишида газ аппаратлари монтаж ишларини муддатидан илгари тугаллашди.

Бригада монтажчилари комсомол ташкилотга қабул қилган кунга қадар 1978 йил планини ҳам бажаришга аҳд қилишган.



«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг металл қирқувчиси Мурод Ҳамрохўжаев ҳозирги кунда «ВЛКСМ XVIII съездига — 18 зарбдор ҳафта» шиори остида баракали меҳнат қиляпти. У смена топшириқларини 30—40 процентга ошириб адо этиб, комсомол съездини муносиб меҳнат армуғони билан кутиб олмоқда.

СУРАТДА: М. Ҳамрохўжаев.

Ж. Жўмаев фотоси.

22 апрель — коммунистик шанбалик куни

ТРАНСПОРТЧИЛАР АҲДИ

Москваликларни и г 22 апрелда В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш бўйича бошлаган ташаббусини шаҳримиз транспортчилари кенг қўллаб-қувватлашяпти. «Главташкентстр о й»нинг транспорт ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли 6-автокорхонасида бўлиб ўтган митингда автомобилчилар ёппасига меҳнат байрамига чиқиш ҳақида якдиллик билан қарор қабул қилдилар.

Коммунистик меҳнат зарбдори. Октябрь революцияси ордени кавалери, мураббий ҳайдовчи Мустақим Қосимов коллектив фикрини ифодалаб шундай деди:

— Мен Москва-сортировочная депоси темирйўлчилари и и н г В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллиги шарафига юксак унум билан меҳнат қилиш ҳақидаги чақиригини зўр қониқиш билан ўқиб чиқдим. Мен бунга жавобан шу куни қўшимча яна бир рейс қиламан. Планга қўшимча 7 тонна юк ташийман. Мен барчани шу куни юксак унумли меҳнат қилишга, пландан ташқари юзлаб тонна қурилиш материалларини ташишга, ишлаб топилган маблағни ўнинчи беш йиллик фондига ўтказишга чақираман.

Коллектив 22 апрель куни 12 минг тонна қурилиш материалларини ташиб, беш йиллик фондига 6 минг сўмлик иш ҳақини ўтказишга қарор қилди.

«СОЮЗ-28» КОСМИК КЕМАСИНИ ХАЛҚАРО ЭКИПАЖ БОШҚАРМОҚДА

1978 ИИЛ 2 МАРТДА МОСКВА ВАҚТИ БИЛАН СОАТ 18 ДАН 28 МИНУТ ЎТГАНДА СОВЕТ ИТТИФОҚИДА «СОЮЗ—28» КОСМИК КЕМАСИ УЧИРИЛДИ.

ЕР АТРОФИ ОРБИТАСИГА ЧИҚАРИЛГАН СОВЕТ КОСМИК КЕМАСИНИ ХАЛҚАРО ЭКИПАЖ: КЕМА КОМАНДИРИ СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ, СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ АЛЕКСЕЙ ГУБАРЕВ ВА ТАДҚИҚОТЧИ-КОСМОНАВТ ЧССР ГРАЖДАНИ ВЛАДИМИР РЕМЕК БОШҚАРИБ БОРМОҚДА.

«Союз—28» кемасининг учирилиши билан «Интеркосмос» ҳамкорлик программасига мувофиқ социалистик мамлакатлар биргаликда олиб бораётган тинч мақсадларда космик фазони тадқиқ этиш ва ундан фойдаланишнинг янги босқичи бошланди. Ушбу программани амалга оширишда Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Куба Республикаси, Монголия Халқ Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Румыния Социалистик Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Чехословакия Социалистик Республикаси иштирок этяпти.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ Шонли сана — Болгария усмоний турклар зулмидан озод қилинганлигининг 100 йиллиги муносабати билан Л. И. Брежнев ва А. Н. Косигин ўртоқлар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва бутун совет халқи номидан Болгария Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Тодор Живковга, БХР Министрлар Советининг Раиси Станко Тодоровга ҳамда улар орқали Болгария Компартияси Марказий Комитетига, БХР Давлат Кенгаши ва Министрлар Советига, республиканинг барча гражданларига ғоят самимий кутловлар йўллайдилар.

◆ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи XXI съездига табриги эълон қилинган.

• САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТ УЧУН

• ОЛТИН ҚЎЛЛИ ЧЕВАРЛАР

• ПЛАНДАН ТАШҚАРИ МАҲСУЛОТ

• БУЮК МУТАФАККИРГА БАҒИШЛАБ

• ЙЎЛОВЧИЛАР РАНЖИМОҚДА



• Попончилик: кеча, ва бугун

ИПАК ЖИЛОСИ

Ўзбекистонда бадиий попончилик санъати қадим-қадим замонлардан маълум. Ўзбек халқининг бадиий попончилик соҳасида эришган ютуқлари биргина Иттифоқимизда эмас, балки чет элларда ҳам машҳурдир. Чеварларимизнинг олтин қўллари билан яратилган сўзана, кирпеч, зардевол каби ажойиб миллий буюмлар бугунги кунда жаҳондаги кўпгина музейларни безаб турибди. Бу буюмларнинг ўзига хос, такрорланмас гўзаллиги кишиларни мафтун этяпти.

...Ҳақиқатан, одат бўйича ҳар бир ўзбек қизи кашта тикишни билиши лозим эди. Улар ўз бувилари ёрдамида бу санъат сирларини эгаллашга киришар эдилар. Қизлар 11 — 12 ёшларидан бошлаб мустақил ишлашга ўтишарди. Улар яратган кашталарда бир бутун баҳор акс этарди. Турли хил рангли ипларда баҳор гуллари жилоланарди. Улар бир қарашдаёқ кишини бутунлай сеҳрлаб қўярди. Тайёрланган буюм ҳунарли чиройли ва тоза рангли бўлса, попончининг маҳорати шунчалик юқори баҳоланарди. Ана шундай ажойиб миллий буюмларни яратувчилар айниқса ипак ипларни кўз қорачиғидай асрардилар. Бу оиланинг кичигидан тортиб, каттасигача одат бўлиб қолган эди. Чунки сўзана, кирпеч ёки зардеволнинг нечоғлик гўзал чиқиши ана шу ипларга, уларнинг жилосига боғлиқ эди. Йиллар ўтиши билан попончиликдаги бу одат унутилаёзди. Бундан ташқари попончиликда машаққатли қўл меҳнатининг бир қисмини замонавий машиналар бажарадиган бўлишди.

Дарҳақиқат, республикамизда 30 йиллари бир нечта бадиий попончилик артеллари ташкил этилган эди. Аммо вақт ўтиши билан попончилик санъатининг кўпгина намуналари йўқолиб кетди. Аммо ана шу нодир санъат дурдоналарини топишга ва қайта тиклашга Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг махсус давлат бадиий конструкторлик-технология бюроси ходимлари республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Н. Нам, рассом О. Белякова, санъатшунослар А. Сидоренко ва Н. Побережскаялар катта ҳисса қўшдилар.

Улар Андижон областида ижодий изланишда бўлишиб, кўпгина миллий буюмларнинг намуналарини топдилар ва уларни ўргандилар. Тошкентлик меҳмонлар эски, йиртилган, аммо такрорланмас рангли жилолари бўлган бир гулкўрпани учратиб қолишди. Буюм эгасидан сўрашганида у бувисининг бувиси тикканлигини айтди. Меҳмонлар бу ажойиб гулкўрпани сотиб олмоқчи бўлганларида буюм эгаси аввалига ажабланди, сўнгра эса тушуниб рози бўлди.

Тезда ана шундай ноёб буюмларни қидириш ишига бошқа бўлим ходимлари ҳам қўшилишди. Республикамизнинг турли бурчакларидан «ноёб миллий буюм қидирувчилар» номига зардевол, кирпеч, сўзаналар оқиб кела бошлади.

Бу ерда яна бир муаммо пайдо бўлиб қолди. Эски ноёб буюмлар қайта ишлашни тақозо этарди. Бу машаққатли иш попончилар Кимё Абдуллаева ва Маъмура Қўчқороваларга топширилди. Тезда бу чеварлар ўн беш рангли бўялган XVIII аср декоратив панносини қайта тикладилар.

Эски, ноёб попончилик буюмларини қайта тиклаш ва уларнинг бир нечта намунасини яратиш учун икки ойга яқин вақт кетди, холос. Аввал эски, ноёб буюмлар яхшиланиб текисланиши лозим эди. Сўнгра ипларнинг ва гулларнинг ранги танлаб олинади. Кўп кунлик машаққатли меҳнатдан сўнг ўтган асрнинг ажойиб такрорланмас бадиий попончилик буюмлари яна янги ҳаётга қайтди.

Ана шу буюмларни тиклашда қадимги попончилик санъатининг усталари, ҳозирги кунда бадиий буюмлар фабрикасида самарали меҳнат қилаётган ўз касбининг усталари К. Абдуллаева ва М. Қўчқоровалар катта меҳнат сарфлашди.

Кўп йиллик меҳнатлари ва ажойиб ноёб миллий попончилик санъати буюмларини қайта тиклаганликлари ва янги-янги миллий попончилик буюмлари яратаётганликлари учун Кимё Абдуллаева ва Маъмура Қўчқоровалар «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотландилар.

Н. СИДОРОВ.

СУРАТЛАРДА: 1. (чапдан-ўнгга) М. Қўчқорова ва К. Абдуллаева. 2. Бадиий буюмлар фабрикаси попончилик цехининг кўриниши. Потокда янги сўзана.

Автор фотолари.



• Коммунистнинг шахсий намунаси

ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ

«Самарадорлик учун актив курашиш — халқ мулкини эҳтиёт қилиб асраш, хом ашё, металлар, ёқилғи, электр энергиядан оқилона фойдаланишга интилиш, иқтисодий тежашни кучайтириш демакдир» дейилади КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети Мактубида. Чилонзор районидаги 2502-автоколон н а д а ҳалол меҳнат билан коллектив ҳурматини қозонаётган шофёрлар ана шунга амал қилишяпти. Шулардан бири «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери, коммунист Олим Собировдир.

Олим ака бу ерда 15 йилдан бери меҳнат қилиб келади. У шу йиллар ичида бой тажриба тўплади. Ҳозиргача 15 дан зиёд шогирд тайёрлади. ёшларга техника сирларини ўргатишда ўз ёрдамини аямади. Ўзининг меҳнатсеварлиги. камтаринлиги ва ширинсўзлиги билан ҳамманинг о ғзига тушди. У автоколоннанинг фахрон ҳисобланади. О. Собиров ўз ишлари ҳақида шундай деди:

— Ютуқларим сабаби шуки, техника кўрикларини ўз вақтида ўтказаман, юкларни ўз вақтида манзилга етказишда энг яқин маршрутни танлайман, бу кўп ёқилғи тежашга олиб келади.

Юбилей йилида мо ҳир шофёр юк ташиш планини 163,7 процент қилиб бажарди. Бу йил январь ойида эса 510 тонна ўрнига 723 тонна халқ хўжалиги юкларини ташиб, ойлик планини 141 процент қилиб бажарди.

Автоколоннада барча шофёрлар Олим акани ҳурмат қилишади. устоз сифатида тилга олишади. Моҳир шофёрнинг машинаси доимо озода, техник нуқсонлар бўлмайди.

Олим аканинг кўп йиллик меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Унинг кўксида «Ҳурмат белгиси» ордени, коммунистик меҳнат зарбдори нишони порлаб турибди. У бир неча марта қимматбаҳо совғалар, фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган.

Автоколонна бош инженери Сергей Садгян у ҳақда шундай дейди:

— Олим Собиров ўз ишининг устаси ҳисобланади. доимо унинг машинаси техника кўрикларидан муваффақиятли ўтади. Ўз ишига меҳр қўйган. ёшларнинг меҳрибон устозидир.

Илғор шофёр О. Собиров москваликлар ташаббусига қўшилиб беш йилликнинг уч йили планини СССР Конституцияси кунигача бажаришга сўз берган.

С. МУСАЕВ,
студент.

МАЖБУРИЯТГА ЯРАША

Эл дастурхони учун турли хил кондитер маҳсулотлари тайёрлаб бераётган «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг меҳнатсевар коллективи бу йил пландан ташқари 500 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятига имзо чеккан. Ҳар куни корхона цехларидан пландаги 90 тонна ўрнига 100 тонна маҳсулот чиқиб турибди. Куни-кеча бу корхона коллективи ўтган йил якунлари бўйича СССР Озиқ-овқат саноати министрлиги ва озиқ-овқат саноати ишчилари касаба союз ташкилотининг кўчма Қизил байроғи ҳамда пул мукофоти билан тақдирланди. Иши билан сўзи бир корхона меҳнат аҳли йиллик топшириқни 20 декабрга бажаришга аҳд қилган.

Қ. ИСОҚОВ.

ХАТЛАРИНГИЗНИ ШАРҲЛАЙМИЗ

ҲАҚЛИ ТАЛАБ

Биз Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли 3-кир ювиш корхонасида меҳнат қиламиз. Биз ишчи-аёллар 1977 йилгача меҳнат отпускаси пайтида 24 кун иш куни ҳисобида дам олар эдик. Аммо ўтган йилдан бошлаб меҳнат отпускаси 18 кун ҳисобида белгиланди. Шу тўғримп? Яна бир савол билан мурожаат қилмоқчимиз. Биз ишлаётган корхона цехида ҳар ҳил химикатлар ишлатилади. Шу ишимиз ҳисобга олиниб, баъзи корхоналардаги ишчиларга бериладиган сут, қатиқ кабилар билан таъминлаш бизга ҳам тааллуқлими? Шунга жавоб берсангиз.

УСМОНОВА, ҲАБИБУЛИНА, СИДИҚОВА, КОМИЛОВА ва бошқалар.

3-кир ювиш корхонаси бир группа ишчиларининг хатини Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи **Саъдулла Исроилович ИСАЕВ** шундай шарҳлайди:

— Бу корхонанинг ишчилари ҳар ҳил химикатлар билан ишлашлари туфайли улар ўн саккиз кун эмас, белгиланган қоидага мувофиқ йигирма тўрт кун дам олишлари керак. Бундан ташқари 3-кир ювиш комбинати ўзига мустақил корхона бўлганлиги учун мустақил балансига эга. Шунинг учун корхона раҳбарлари ишчиларни сутли маҳсулотлар билан таъминлаш кераклигини тезда ўйлаб кўрилади даркор.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ХАТЛАР

«Нафосат» машғулоти

ЎзССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти қошидаги «Нафосат» халқ университетининг навбатдаги машғулоти Ҳамза район 198-мактаб биносида бўлиб ўтди. Мазкур машғулот ўзбек адабиётининг бобокалони, буюк мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланди.

Халқ университетининг проректори, филология фанлари кандидати Т. Мирзаев А. Навоий ижодиётини ўрганишнинг аҳамияти ҳақида сўзлади. Профессор А. Ҳайитметов «Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди» ҳақида доклад қилди. Докладчи қизиқарли материаллар асосида мутафаккирнинг ҳаёти ва сўз санъатидаги юксак маҳоратига тўхталиб ўтди.

Филология фанлари доктори С. Эркинов, филология фанлари кандидати С. Ганиева «Навоий ва замонамиз», «Навоий ижодида одоб-ахлоқ» мавзуларида чиқиш қилдилар. Қилинган докладлар машғулот қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Кечанинг бадиий қисмида 198-мактаб бадиий ҳаваскорлари А. Навоий асарлари асосида тузган концерт программаси билан иштирок этдилар.

А. ЖАББОРОВ.

АВТОБУС КУТИБ

Янгиобод массивини шаҳар маркази билан боғловчи 30, 26 ва 23-автобуслар шу кунларда йўловчиларга жуда ёмон хизмат кўрсатмоқда. Бу маршрутларда қатновчи автобуслар графикка риоя қилмаётганлиги, йўловчиларни соатлаб куттириб қўйиши туфайли эрталаб ишга, ўқишга кечиккан, ишдан чарчаб қайтаётганда эса асабби бузилиб ярим тунда уйига бир амаллаб етиб келаётган одамларнинг сан-саноғи йўқ.

Онда-сонда бир келаётган автобуслар йўловчи билан тирбандлигидан бекатларда тўхтамасдан ўтиб кетади. Кўпчилик автобусларда билетлар йўқ, фақат олдинги эшик очилади.

«Главташпассав т отранс» бошқармаси бу маршрутлардаги нуқсонларга қачон эътибор беради. Ахир, биз қачонгача қийналамиз? Биз йўловчилар бу маршрутларнинг мутасаддиларидан амалий жавоб кутамиз.

Н. ҲАСАНОВ,
республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи.

К. ТУРСУНОВ,
Улуғ Ватан уруши ветерани.

А. АНСАФХОНОВ,
республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер.

Т. АШИРМАТОВ,
Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси ва бошқалар.

ГАЗЕТХОН ТАШАББУР БИЛДИРАДИ...

АҲОЛИ МИННАТДОР

Шаҳримиздаги 54- алоқа бўлими шу йил январь ойидан бошлаб республика кўзи ожизлар жамияти ихтиёридаги 28, 44, 45, 46- уйларга хизмат кўрсата бошлаган эди. Лекин алоқа бўлими ходимлари газета ва журналларни ўз вақтида етказиб беришмади, айрим ҳолларда баъзи газеталар бутунлай келтирилмади. Биз бу ҳақда алоқа бўлими ходимларига бир неча бор мурожаат қилдик. Фойдаси бўлмади. Улар газета ва журналлар алоқа бўлимига тўла равишда келтирилмаётганлигини баҳона қилиб бизни ранжитишди.

Ана шу уйларда истиқомат қилувчилар номидан «Тошкент оқшоми» газетасига шикоят хати йўлладик. Орадан кўп вақт ўтмаёқ газета ва журналларни ўз вақтида ола бошладик. Ҳатто 1978 йилнинг январь ойида олмаган газеталарни ҳам февраль ойидан тўлиқ ола бошладик. Ўйлаймизки, редакцияга йўллаган хатимиздан Тошкент почтамтининг Чилонзор район алоқа бўлимига қарашли 54- алоқа бўлими ходимлари тўғри хулоса чиқаришган. Бундан буён ҳам газета ва журналларни, хатхабарларни ўз вақтида олиб турамиз деган умиддамиз.

Чилонзор массивининг 8- кварталидаги 28, 44, 45, 46- уйда истиқомат қилувчи газетхонлар номидан:

О. ҚОСИМОВ.

...ТАКЛИФ ЭТАДИ

СУВНИ ТЕЖАГАНИМИЗ ЯХШИ

Ҳурматли оқшомхонлар! Яқинда мен бир китоб уқиб қолдим. Бунда сувни тежаш ҳақида фикр юритилган бўлиб, «Кристалл» қурилмаси ва унинг Москва автохўжаликларида ишлатилаётганлиги айтилган экан. Шаҳримизда неча минглаб автомобиль машиналари бор. Ана шу машиналарни ювиш учун бир суткада қанчадан қанча водопровод сувн сарфланади. Ана шу сувни исроф қилмаслик учун «Кристалл» қурилмасидан фойдаланилса жуда яхши бўларди. Машиналарни ювишга ишлатилган сув автоматик равишда вибрацион фильтрга тушиб у ерда қум ва ҳар хил чиқиндилардан тозаланади. Сўнгра синтетик материаллар тўлдирилган фильтрли колонкага тушади. У ерда сув ҳар хил мойлардан тозаланиб, сўнг резервуарларга қуйилади. Резервуарлардан эса яна машиналарни ювиш учун ишлатилади.

Менинг бирдан бир истагим шу эдики шаҳримиздаги йирик автохўжаликларда бундан фойдаланилса водопровод орқали келаётган сувларимиз жуда тежалган бўларди.

З. ИЎЛДОШЕВ,
Сергели район «Водоканал» бошқармасининг хизматчиси.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

ШИКОЯТГА ЭЪТИБОР ШУМИ?

ТошДУ ва ТошПИ массивидаги 6- уйда истиқомат қилувчилар мана икки йилдирки иссиқ сув йўқлигидан шикоят қилишади. Улар бу ҳақда 50-ЖЭК раҳбарларига бир неча бор мурожаат қилишди. Лекин Собир Раҳимов район уй-жой бошқармасига қарашли 50- ЖЭК раҳбарлари аҳолининг бу ҳақли талабига негадир эътибор бермаётир. Балки шаҳар уй-жой бошқармаси раҳбарлари ҳамшаҳарларимизнинг бу ўринли шикоятларига жавоб беришар.

М. ҲАМДАМОВА, Р. ШОИЛЯСОВА, И. ИКРОМОВА ва бошқалар. Жами 35 имзо.

ҚАРОВСИЗ ТЕЛЕФОН

«Бешқайрағоч» маҳалласининг чойхонаси ёнидаги автомат-телефон кўп вақтдан буён қаровсиз ҳолда ётибди. Аппарат ва трубкаларнинг симлари узилиб қолган. Ҳа унга қарайдиган, на уни тузатадиган одам топилади.

Маҳаллада бир ярим мингдан ортиқ хонадон истиқомат қилади. Уларнинг кунига неча марталаб зарур иш юзасидан автомат-телефонга иш тушади. Телефон ишламаётганлиги одамларнинг ташвишини кўпайтирмоқда, уларни сарсон қилиб қўяётибди.

Шаҳар телефон тармоқлари бошқармаси раҳбарларига бу телефонни ишлатиш шунчалик қийинми? Ҳўш, маҳалладаги бу телефон-автомат қачонгача қаровсиз ташлаб қўйилади?

У. КАРИМОВ,
хизматчи.



Фотомухбир Н. Маликов яқинда Тошкент тажриба пиллакашлик фабрикасида бўлиб корхона ишчиларининг ҳаётини тасвирловчи бир нечта фотосуратлар олиб қайтди. Диққатингизга ҳавола этилаётган ушбу фотолавҳада илғор ишчи Муаззам Муҳсимованн кўриб турибсиз. Бу моҳир ипак ўровчи мунтазам равишда кунлик топшириқларини ортиги билан адо этади.

ФАЙЗСИЗ ЁТОҚХОНА

— Ура! Эртадан янги ётоқхонамиз ишга тушар экан.

— Мана, маза қилиб яшайдиган бўлдик.

«Ўзбекбирлашув»га қарашли Тошкент кооператив техникумининг студентлари ётоқхонанинг очилишини байрамга айлантириб юборишди. Ўша куни — 1975 йил октябрида улар янги ётоқхонага кўчиб ўтишди. Ҳамма жой-жойига кириб, ҳаяжонлар босилгандан кейин студентлардан бири бўшашиб кириб келди:

— Ётоқхонамизда душ ишламас экан. Ювинмоқчи бўлганлар ҳаммомга бориб қўя қолади.

— Ия, разетка ҳам йўқ-ку. Радио эшитмоқчи бўлганлар нима қилади?

Студентла р нинг яна бири ундан ҳам қувончли хабар топиб келди.

— Маиший хизмат хоналари, туалет ҳам йўқ экан.

Шундан кейин студентлар нима гаплигини суриштириб қолишди.

— Зиёни йўқ, бу янги бино, тез орада камчиликлар тузатилади, — деб юпатишди техникум директсиядаги ўртоқлар.

Студентлар индамай қўя қолишди. Орадан ойлар, йиллар ўта бошлади. На маиший хизмат кўрсатиш хонаси, на бошқа қулайликлар ишга тушмади. Айниқса қиш совуғида батареялар яхши ишламай студентлар қийналиб қолди. Энди улар техникум директори Ш. Аҳмедовга қайта-қайта мурожаат қиладиган бўлишди.

— Зиёни йўқ, ёшсизлар, сизларга совуқ таъсир қилмайди, — деб юпатди уларни директор.

Аммо энди студентлар бу билан юпаниб топишмади. Уч йилдан буён муттасил ноқулай, совуқ хоналарда яшаш уларнинг жонига тегди.

«Афсуски директоримизнинг бирорта боласи мана шу ётоқхонада тўрмайди, — деб ёзишибди бир группа студентлар. — Агар шундай бўлса директоримиз унга ачиниб ҳаракатга тушиб қолган бўлармиди».

Аслини олганда техникумдаги барча студентлар директорнинг фарзанди бўлиши керак. Шундай экан у ёшларга ғамхўрлик қилишни унутмаслиги лозим.

НОМИГА НОМУНОСИБ

Шаҳримизда «Олтин тепа» деган маҳалла бор. Бир вақтлар бу ерда чиндан ҳам олтин тўлиб-тошиб ётган тепа бўлганми, йўқми униси номаълум. Буни маҳалладагиларнинг ўзи ҳам яхши билмайди. Фақат маҳаллаларининг номи билан фахрланиб юришади. Буни қарангки бу ернинг кўчалари ҳам нуқул чиройли дарёлар номи билан аталади: Амударё, Чирчиқ, Сирдарё, Қизилсув ва ҳоказо. Маҳалладан дарё ўтмайди. Қишинг-ёзин қоп-қора иссиқ тўлқинларини «жилвалантириб» Қорасув ўтади. Албатта, Қорасувнинг сувн қоралигига анҳорнинг ўзи айбдор эмас. Унга Сирдарё, Амударё, Чирчиқ кўчаларидан келиб «қуйиладиган» ахлат айбдор. Бундай номаъқул ирмоқнинг қўшилишига ким айбдор. деган савол туғилади. Бир қарашда шу маҳаллада истиқомат қиладиган аҳоли айбдордек туйилади. Лекин аслида ундай эмас. Маҳалла чойхонасида кун ора шу гап қўзғалади.

— Ахлатни қаёққа ташлашни билмай қийналиб кетдик.

— Қорасувга ахлат ағдараверган билан фойда чиқмайди. Бир куни сувнинг йўлини тўсиб қўяди.

— Энди катталар қолиб кичкиналар ҳам шунга ўрганишди. 222-мактабнинг ўқувчиларидан тортиб фаррошларигача ахлатни сувга ағдарадиган одат чиқаришибди.

Маҳалладошларнинг кулласиз, кулдиради

суҳбатига бир чеккада ўтирган чойхўр жимгина қулоқ солиб турди-да, бирдан хахолаб кулиб юборди. Ҳамалари унга ўгирилиб қарашди.

— Бунинг нимаси кулгили? — деди тажангроқ бир киши.

— Албатта кулгили-да! — деди бояги нотаниш одам. — Ахир Куйбишев райони «Автодормехбаза»си худди сизнинг маҳаллангизда жойлашган. Бўзчи белбоққа ёлчимас, деганлари шу эканда! База хизматчилари шаҳарнинг чекка-чеккасига бориб ахлат ташишни билади-ю бурнининг тагида уюлиб ётган ахлатни кўрмайдими?

— Кўрмайди! — деди бояги тажанг киши ўдағайлаб. — Бурнини ишқаламагунча кўрмайди. Минг марта шикоят қилдик. Фойдаси бўлмаяпти.

Чойхонадаги ўша антиқа суҳбатни газетхон Р. Сандов редакцияга ёзиб юборибди. Куйбишев район «Автодорме х б а з а»сидаги раҳбарлар ҳеч бўлмаса оёги остида йиғилиб ётган ахлатни ташишга эътибор берса бўларди» дебди. Газетхоннинг таклифи жуда тўғри.

ҲУШЁРБЕК.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЧ ЙИЛИ ПЛАНИ — СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИГАЧА

МУСОБАҚАДОШЛАР ҒАЙРАТИ

Ҳамза районидаги Оҳангарон шоссеси катта қурилиш майдонига айланиб қолди. Кейинги ойларнинг ўзида бу ерда янги мактаб, болалар боғчалари ва иккита турар жой биноси қад кўтарди.

Районнинг тобора гўзаллашиб бораётган бу массивида айни кунларда яна бир тўрт қаватли турар жой биноси қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. 48 хонадонга мўлжалланган бу бино «Подъёмник» заводининг ишчи-хизматчиларига туҳфа этилади.

— КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг совет халқига Мактуби ҳамкасбларимнинг меҳнат активлигини ошириб юборди, — дейди бригада бошлиғи Виктор Гергенгрейдер. — Улар бир-бирлари билан мусобақалашган ҳолда ишлашаётир.

Бригада аъзолари Владимир Аҳмеровни «устозимиз» дейишади. Бу бежиз эмас, албатта. Бригададаги кўпгина ёшлар бинокорлик сабогини ана шу гишт терувчидан олишган. У беш кунлик топшириқни тўрт кунда бажариш мажбуриятини олди ва ҳамкасби Надежда Набиуллинни социалистик мусобақага чақирди.

Мусобақадошлардан ўрнак олиб ишлаётган дурадгор Виктор Акимов, сайқалчи Владимир Циммер ва бошқа бинокорлар ҳам зиммаларига оширилган мажбурият олиб ишлашаётир. Улар кунлик топшириқни бир ярим ҳиссадан бажаришмоқда.

Ана шундай зарбдорларнинг ғайрати туфайли Виктор Гергенгрейдер бошлиқ комплекс бригада 3-қурилиш трестининг 5-қурилиш бошқармасида авж олдирилган мусобақада пешқадамлар сафида бораётир. Коллектив айни кунларда апрель ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда.

— Бригадамизда 30 киши ишлайди, — дейди қурувчилар сардори В. Гергенгрейдер. — Улар саккиз миллат вакилларидан иборат. Дўстликнинг қудрати мусобақа жараёнида ҳам ўз аксини топмоқда. Коллективимиз партия ва ҳуқуматимизнинг илҳомбахш Мактубидан руҳланиб. СССР Конституциясининг 6 и р йиллиги куни — 7 октябргача беш йиллик планнинг уч йили планини бажаришга азму-қарор қилди.

Виктор Гергенгрейдер ва унинг ҳамкасблари аҳдига вафодор қурувчилардир. Улар ўз сўзларининг устидан албатта чиқишади. Ҳадемай эса «Подъёмник» заводининг ишчи-хизматчилари ойласи янги турар жой биносида уй тўйларини нишонлашади.

Б. НОСИРОВ,
қурувчи.

КОРХОНАНИНГ БИЛИМ ЎЧОҒИ

«Билим» жамиятининг бошланғич ташкилотини ишчи ва хизматчиларнинг чинакам билим ўчоғи деб аташ мумкин. Жамият ходимлари шу кунларда СССРнинг янги Конституцияси, партия ва ҳуқуматимизнинг Мактубига доир қатор тушунтириш ишларини олиб боришмоқда.

Жамият тащаббуси билан ўтган йили корхонада ўтказилган турли мавзудаги лекциялар, суҳбатлар, докладларнинг сони 7600 тани ташкил қилди. Бу рақам куни кечагина бўлиб ўтган корхона «Билим» жамиятининг пленумида тилга олинди. Беш йилликнинг учинчи йили ютуқларини пропаганда қилиш юзасидан қатор тадбирлар белгиланди.

П. АБДУЛЛАЕВ.

Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида бир неча йиллардан бери ишлаб турган

2 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

3 МАРТ, 1978 й.

Тошкент оқшомида босилганидан кейин

«ЭШИК ҚОЛИБ ТЕШИКДАН»

17 февралда юқоридаги сарлавҳа остида босилган материалда Санъат саройидаги айрим тартибсизликлар танқид қилинган эди.

Олинган жавобда кўрсатилишича, газета материали Санъат саройи ходимлари ўртасида милиция иштирокида муҳокама қилинган. Тартиб ўрнатиш учун олиб борилаётган барча ишларни янада кучайтириш ва аҳолига кино хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш чоралари кўрилган.

«ҚОРБОБОДАН СОВҒА КУТИБ»

Юқоридаги сарлавҳа остида босилган материалда 53-маршрут бўйича қатновчи автобусларнинг қоniқарсиз иши танқид қилинган эди.

«Главпассавтотранс»дан олинган жавобда бундай дейилади: чиндан ҳам автобус қатновн кейинги пайтларда ёмонлашган эди. Бу нуқсонни бартараф этиш мақсадида маршрутдаги кичик автобуслар каттасига алмаштирилди. Маршрут иши назорат остига олинди.

«КЕЛИНГА МАХСУС ТОПШИРИҚ»

Шу сарлавҳа остида газетанинг 27 январь сонида босилган материалда Наққошлик, Роҳат, Ўсмир кўчаларида кўпинча электр чироқлари ўчиб қолаётгани танқид қилинган эди.

Олинган жавобда бундай дейилади: Бу кўчалардаги электр линиялари эскирган. Уни алмаштириш ишлари шу йилнинг апрель ойигача давом этади. Шунинг учун баъзан кундуз кунлари электр токи тўхтатилиб, иш олиб борилмоқда.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. УМАРБЕКОВ: Қишлоқ Совети депутати Тошкент шаҳридаги транспортнинг ҳамма турларида (таксидан ташқари) текин юриш ҳуқуқидан фойдаланса бўладими?

Жавоб: Депутатнинг транспортда текин юриш ҳуқуқи Халқ депутатлари Советлари депутатларининг статуси тўғрисидаги Қонунда қуйидагича белгилаб берилган.

СССР Олий Советининг депутати ССР Иттифоқи территориясида, Иттифоқдош республика Олий Советининг депутати, автоном республика Олий Советининг депутати тегишли республика территориясида ҳамма темир йўл, автомобиль, сув, ҳаво ички йўлларида ва шаҳар пассажир транспортининг ҳамма турларидан (таксидан ташқари) текин юриш ҳуқуқидан фойдаланади.

Ўлка, область Советининг, автоном область, миллий округ, район, шаҳар, шаҳардаги район Советининг, посёлка ва қишлоқ Советининг депутати ўлка, область, округ, район, шаҳар, посёлка ва қишлоқ Совети территориясида республика қарамоғидаги автомобиль ва сув транспортида ва шаҳар пассажир транспортининг ҳамма турларида (таксидан ташқари), ўлка, область Советининг, автоном область миллий округ Советининг, район Советининг депутати эса темир йўл транспортида ҳам текин юриш ҳуқуқидан фойдаланади.

* * *

И. ҚОСИМОВ: Олти ёшли набирам акробатикага жуда қизиқади. Шаҳримизда болалар учун спортнинг акробатика тури бўйича тўгараклар борми, бўлса у қаерда жойлашган?

Жавоб: Тошкент шаҳар халқ маорифи системасида акробатика бўйича 10-болалар спорт мактаби мавжуд. Бу мактаб болаларга спортнинг гимнастика, акробатика ва бадиий гимнастика турлари бўйича билим беради ва маҳоратларини оширади. Шаҳримизнинг Собир Раҳимов районидаги 133-мактабда (Қорақамиш массиви 1/4), 185-мактабда (Ғалаба кўчаси, 5-уй), Сергели районидаги 7-мактабда, Киров районидаги 88-мактабда («Узбексельмаш» заводи ёнида) ҳамда Фрунзе районидаги «Пойафзалчилар» клуби қошида болалар спортининг акробатика группалари ишлаб турибди. Бу группаларга қабул қилиш шартлари тўғрисида группалар жойлашган мактаблардан маълумот олиш мумкин.

* * *

М. ҚОРАБОЕВА: Мен от спортига қизиқаман. Ёшим 13 да. Шаҳримизда от спорти мактаби борми?

Жавоб: Шаҳримизда от спорти бўйича олий маҳорат республика мактаби мавжуд бўлиб, у 3-трамвайнинг 1-гишт заводлари бошқармаси бекати яқинида — Олтинтепа кўча, 37-уйда жойлашган. Мактабга ўқувчилар 12 ёшдан бошлаб, ҳар йили сентябрь — октябрь ойларида қабул қилинади.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Аъзам Эшонхўжаевнинг ўзи шофёр бўлиб ишлайди ва кўча-кўйда болани назоратсиз қолдириш нақадар хавфли эканлигини яхши билади. Шунга қарамай, у Тўқимачи кўчасида кетаётганда 10 ёшли Ҳасан исмли ўғлини ўз ҳолига қўйиб юборади. Бола бу эркинликдан фойдаланиб, шу заҳотиёқ кўчани кесиб ўтмоқчи бўлган эди, Э. Тўйчиев ҳайдаб келаётган М— 21 маркали енгил автомашина Ҳасанни уриб йиқитди.

Лат еган ва бош мияси қалқиган Ҳасанни 14-болалар касалхонасига ётқизишди.

• Ёшлар беш йиллик вахтасида

ОТАЛАР АНЪАНАСИНИ ДАВОМ ЭТТИРИБ

Тошкент ёшлари мамлакат ҳаётидаги ажойиб воқеалар — Улуғ Октябрь 60 йиллиги ва СССР янги Конституциясининг қабул қилинишини меҳнатда, ўқишда, жамоат ҳаётида катта ютуқлар билан нишонладилар. Пойтахтнинг 436 йигит-қизи республика ўн ишлаб чиқариш илғорининг ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик планини бажариш юзасидан бошлаган ташаббусини қўллаб-қувватлади. «Самарадорлик ва сифат беш йиллигига — ёшларнинг ғайрати ва ижоди» ватанпарварлик ҳаракатида иштирок этган 15 мингдан зиёд комсомол аъзоси Улуғ Октябрь 60 йиллигигача беш йиллигининг икки йили планини бажариш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарди. Пойтахтнинг 250 мингдан зиёд комсомоллари ва ёш меҳнатчилари Совет давлатининг юбилейини муносиб кутиб олиш бўйича социалистик мусобақада қатнашдилар. 12 минг илғор ёш меҳнатчилар бу мусобақа якуни бўйича Улуғ Октябрь 60 йиллигига КПСС Марказий Комитетига Ленин комсомоли рапортига имзо чекиш фахрий ҳуқуқини олдилар.

Бугунги кунда ёш меҳнатчилар, студентлар, ўқувчилар мамлакат комсомолининг навбатдаги съезди шарафига меҳнат вахтасида туришибди. Шаҳар меҳнат ва студентлар коллективларида «ВЛКСМ XVIII съездига — 18 зарбдор ҳафта» ватанпарварлик ҳаракати вужудга келдики, бу бугунги ёшларнинг совет халқи меҳнат анъаналарига садоқатини яна бир бор намоён қилди.

В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, 153-қурилиш трести, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети комсомол ташкилотлари ташаббуси бўйича бошланган съездолди мусобақаси кенг қулоч ёйди ва оммалашди. Бугунги кунда Тошкентнинг барча йигит-қизлари вахтага зўр ғайрат билан қўшилдилар. Бу мусобақанинг алоҳида хусусияти шуки, у оммавийлик, уюшқоқлик, юксак ишчанлик билан ўтмоқда. Мусобақа жараёнида кўпгина қимматли ташаббуслар майдонга келмоқда. «Узсельхозтехника» тажриба-ремонт механика заводидан Тоҳир Мирзаев бошлиқ ёшлар коллективи ва унинг издошлари «Ярим йиллик топшириқни съезд очиладиган кунгача бажарамиз» шиори остида тиғиз график бўйича меҳнат қилишмоқда. Тошкент ёшлари қалбида москваликларнинг СССР Конституциясининг бир йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан бошлаган ташаббуси қизғин акс-садо уйғотди. 14 мингдан зиёд ёш меҳнатчи, 680 дан зиёд комсомол-ёшлар бригадалари бадиий буюмлар фабрикасидан Зайтуна Баратохунова, В. П. Чкалов номли

Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

4 МАРТ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА
М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

«ДИЛРАБО» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ХОНАНДАЛАР:

Ортиқ ОТАЖОНОВ, Хадича АЛИМАРДОНОВА, Алижон ҲАСАНОВ, Нодира АҲМЕДОВА, Насиба ЭГАМБЕРДИЕВА, Ғуломжон ДАДАХОНОВ, Фотима БАРАТОВА.

РАҚҚОСАЛАР:

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати ҚАРИМА УЗОҚОВА,
Дилбар АБДУЛЛАЕВА, Раҳима РИХСИЕВА, Отажон РАЖАБОВ.

Оригинал жанрда — Саттор ИСЛОМОВ.
Интермедия ва юморда — Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Абдуфатто ҳ САИДОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Мавжуда ХОЛДОРОВА олиб боради.

«ДИЛРАБО» ансамблининг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССР халқ артисти Айюб ҚОДИРОВ.

Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТЎХТАСИНОВ.

Филармониянинг бадиий раҳбари — Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотларининг лауреати, композитор Мирсодиқ ТОЖИЕВ.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан, шанба ва якшанба кунлари соат 10.00 дан сотилади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

ЦУМ — 8 МАРТ БАЙРАМИГА

ШУ КУНЛАРДА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИНИНГ ЕРУҒ ВА КЕНГ САВДО ЗАЛЛАРИ ОДАМЛАР БИЛАН АЙНИҚСА ГАВЖУМ.



Бугун бу ерда фақат катталаргина эмас, балки мактаб ўқувчилари, студентлар ва ҳатто болалар ҳам харидор. Уларнинг ҳаммалари оналари ва опалари, қариндошлари ва яқин кишилари, ўртоқлари ва дугоналарига қандайдир бир мамнун бўларли совға ҳадя этишни хоҳлашади.

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ 8 МАРТГА БАҒИШЛАБ БАЙРАМ-ОЛДИ САВДОСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Магазин бўлимларида кенг ассортиментда оригинал ва чиройли сувенир маҳсулотлари, комплектланган совға наборлари, парфюмерия-косметика товарлари ва бежамли кўн-галантерея буюмлари, аёллар учун безак предметлари, хилма-хил рўмолчалар ва дуррачалар, тоза шерсть ва яримшерсть полотнолардан тикилган устки трикотаж буюмлари, аёлларнинг трикотаж ички кийимлари ва пайпоқ-носкилар, шерсть ва ипак газламалардан тикилган кўйлаклар, донали тўқимачилик маҳсулотлари ва газмоллар, турли ёшдаги аёллар учун модали чарм пойафзаллар, фотоаппаратлар ва кинокамералар, корпуси ҳар хил формадаги аёлларнинг қўл соатлари, эстрада, камер ва симфония музикалари ёзилган грампластинкалар, рассомчилик маҳсулотлари, чой ва овқатланиш столларини безовчи турли идишлар билан савдо қилинмоқда.

Универмагга келувчиларнинг оқими кенгайиб бораётганги ҳисобга олиниб, байрам савдоси кунларида совға товарларини сотиш учун қўшимча ишлаш жойлари ҳам ташкил этилди.

ЦУМГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

3 МАРТ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.15 «Москва ва москваликлар». 17.45 «Қулоққа» айтилган гап». 18.30 Янгиликлар. 18.45 Қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар премьераси. «Биада янги одам», «Сел». 20.00 Кубок эгаларининг кубоги учун футбол бўйича 1/4 финал. «Реал бетис» (Севилья, Испания) — «Динамо» (Москва). Испаниядан олиб кўрсатилади. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Останкино» концерт студияси тақдим этади». 24.00 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.40 Кўрсатувлар программаси. 17.45 Мактаб ўқувчилари учун. «Камалак». 18.15 «Комсомол — ёшлигим менинг». Телевизион ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 18.30 «Фан» программаси. 18.55 «Чорвадор». Чорвадорлар учун кўрсатув. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Балет кечаси. Самарқанд Давлат опера ва балет театри солистлари ижро этади. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 Ўзбекистон комсомоли XXI съезди делегатлари ҳақида қиладилар. 22.20 Ўзбекистон комсомоли XXI съезди делегатларига бағишланган санъат усталари ва ижрочи ёшлар концерти. А. Навоий номли Давлат Академик Катта театридан трансляция пайтида ёзиб олинган. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «425-алоқага чақиради». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.). 19.45 Байрам олди рекламаси.

4 МАРТ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.50 Концерт. Таллиндан олиб кўрсатилади. 10.20 «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.50 «Тонгги почта». Музикали программа. 11.20 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб беайлик». 11.50 «Музей ва кўргазмаллари бўйлаб». «Дрезден расмлар галереяси». Италия живописи. 12.15 «Халқ куйлари». 12.30 «Советлар ва ҳаёт». Кўрсатувни юридик фанлари доктори В. Васильев олиб боради. 13.00 «Спортлото» тиражи. 13.10 Епиқ бинода енгил атлетика бўйича СССР чемпионати. Ака-ука Знаменскийлар номли манеждан олиб кўрсатилади. 13.35 «Диққат, йўл!». 14.05 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 14.50 Болалар учун. «Муз устида «йўлбарслар». Телевизион бадиий фильм. 16.10 «Адабий учрашувлар». «Тюмень тупроғида».

17.00 Совет қўшиқларидан концерт. 17.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Пани Дульская». Телевизион спектакль премьераси. Автор—Г. Запольская. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Инсон. Ер. Коинот». Кўрсатувни икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси В. И. Севастьянов олиб боради. 22.35 Чехословакия артистлари иштирокида эстрада программаси. 23.20 Конькида югуриш спорти бўйича жаҳон чемпионати. Аёллар. Хельсинкидан олиб кўрсатилади (Финляндия). 23.50 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Шеърият мухлисларига». 10.20 Ота-оналар учун консультация. 10.50 «Кинокўзгудаги ҳаёт». 11.40 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Юнусхонов чалади (скрипка). 12.20 «Учар йигит». Бадиий фильм. 13.30 «Ширмон булоқ». Кўғирчоқ театр спектакли. 14.15 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун программа (қозоқ тилида). 15.05 «Кўча ҳаракати хавфсизлиги учун» (рус.).

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун телефильм. 18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Салом, музика!» (рус.). 18.35 Ўзбекистон комсомоли XXI съезди делегатлари ҳақида қиладилар. 18.55 «Сочма коп». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Шарафлаймиз сени, комсомол». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Эстрада усталарининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Телевидение экранида биринчи марта». «Оловли соҳил». Бадиий фильм. 23.30 Футбол бўйича VIII халқаро ўсмирлар турнири. Ўзбекистон —СССР II терма командалари. Репортаж (ёзиб олинган). 00.10 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Ғунчахон санъат». Болалар учун концерт. 18.00 «Кинокамера билан саёҳат». 19.00 «Новости» информацион программаси. 19.15 «Табассум» тележурнали. 19.45 Ҳужжатли фильм. 20.10 Ҳажвий кўрсатув. 20.40 «Ахбор» информацион программаси. 20.55 «Армуғони жавони». Ёш ижрочиларнинг телевизион конкурси. 21.30 Душанба кўрсатувларининг охири.

АРЗОНЛАШГАН БАҲОЛАРДА

1978 ЙИЛ 1 МАРТДАН БОШЛАБ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА АРЗОНЛАШТИРИЛГАН БАҲОЛАРДА МОЛЛАРНИ СОТИШ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Бундай молларга қуйидагилар киради:

тоза жунли ва жун аралашган, майин сукноли, тоза жунли ва яримжун аралашган дағал сукноли газламалар;
кийим-кечаклар ва ички кийимлар;
пайпоқ-носки буюмлари — капрон ва эластик толадан тўқилган пайпоқлар;
бош кийимлар;
пойафзалларнинг айрим турлари — чармли, газламали, ҳар хил материалдан тикилган, резинали;
мактаб-идора моллари —шарикли ва пероли авторучкалар, автоқаламлар ва улар учун термалар, сиёҳдон буюмлари, логарифмик чизгичлар, ўқувчилик перолари;
металли ва пластмассали идишларнинг айрим турлари;
галантерея моллари;
табиий ва сунъий чармдан тайёрланган моллар;
металли галантерея моллари орасида қуйидагиларнинг баҳоси камайтирилади: тугмачалар, бигудилар, галстукларнинг қисқичлари, тўғноғичлар, кулонлар, медальонлар, упадонлар, запонкалар, значоклар, зажигалкалар, портсигарлар, механик бритвалар.

Арзонлаштирилган баҳодаги молларни қуйидаги магазинлардан сотиб олишингиз мумкин:

«ТАШПРОМТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ

10 — Олой бозори.
20/3 «Қўйлиқ» массиви.
49 — Фарҳод ярмаркаси.
65/1 — Бешоғоч бозори.
170/1 — Навоий кўчаси, шаҳар ярмаркаси.
154 — Октябрь бозори.

«ТАШОБУВЬТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ

2 — Госпиталь бозори.
6 — «Қўйлиқ» массиви.
14 — Октябрь бозори.
15— Навоий кўчаси, ярмарка.
17 — Навоий кўчаси, Марказ—4.
17/1 — Олой бозори.
30 — Фарҳод ярмаркаси.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ

6/7— Бешоғоч бозори.
9/16 — Олой бозори.
19 — Октябрь бозори.
36 — Новомосковская кўчаси, 17-уй.
38 — Фарҳод ярмаркаси.
43 — Ленин проспекти, Марказ — 5, 67-уй.
65/ 60—Қўйлиқ бозори.
74 — Госпиталь бозори.

«ТАШКОМИССИОНТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ

17 — Навоий кўчаси, шаҳар ярмаркаси.
19 — Паркент бозори.
25 — Октябрь бозори.
28 — 1 май бозори.
29 — Октябрь бозори.
34, 38 — Олой бозори.
35 — Госпиталь бозори.
36 — Фарҳод ярмаркаси.
47 — Фрунзе бозори.
51 — 1 май бозори.

ОРС — НОД — 1.

ЦУМ, ГУМ ва Тошкент «Болалар дунёси» универмагининг махсус секциялари.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ БОШ САВДО БОШҚАРМАСИ.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ. ДА — 4/III да **Афсоналар водийси**, 5/III да **Доктор Айболит** (12.00), **Флория Тоска** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/III да **Рўйхатларда йўқ** (19.30), 4/III да **Қиёмат қарз** (15.00), **Келинлар қўзголони** (18.00), 5/III да **Кўрмайин босдим тиконни** (12.00), **Фариблар** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3, 4/III да **Она қизим**, 5/III да **Йиллар ўтиб.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/III да **Ишқ қурбонлари** (18.00), 4/III да **Ун саккиз ёшлигим**, 5/III да **Беш кунлик куёв** (12.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Янги Москва цирки артистларининг гастролларн.**

КИНО

3 МАРТДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Карпат довонлари** (катта зал), **Есения** (кичик зал, кечқурун).

Бўрондаги олишув — «ҚОЗОҒИСТОН» (19, 21.00), «НУКУС» (17, 19, 21.00), «ДРУЖБА» (18, 20.00), ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (18.15, 20, 21.30), «ВОСТОК» (18, 19.40, 21.10), «МОСКВА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Тиль ҳақида афсона — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (18, 20.45).

Қуролланган ва жуда хавфли — НАВОИЙ номли (кечқурун), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Таҳдир — «ЧАЙКА» (17.30, 20.30).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (18.30, 21.00).

Юлия Вревская — «ИСКРА» (19.30).

4 МАРТДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Карпат довонлари** (катта зал), **Есения** (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Бўрондаги олишув — «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 12, 13, 14, 15, 19, 21.00), «НУКУС» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00), «ДРУЖБА» (12, 14, 16, 18, 20.00), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (12, 14, 16.00), «ВОСТОК» (10.20, 12, 14, 16, 18, 19.40, 21.10), «МОСКВА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Тиль ҳақида афсона — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (18, 20.45).

Қуролланган ва жуда хавфли — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Таҳдир — «ЧАЙКА» (11.30, 14.30, 17.30, 20.30).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Юлия Вревская — «ИСКРА» (19.30).

ТОШКЕНТ «МАТБУОТ» ПОЛИГРАФИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Буюртмачи ва корхона материалидан гувоҳномалар ва пропусклар тайёрлаб бериш учун ҳамда чекланмаган миқдорда қоғозларни қирқиб бериш учун

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ВАЖАРИБ БЕРИШ МУДДАТИ ШАРТНОМА БЎЙИЧА КЕЛИШИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

5 МАРТ СОАТ 19.00 ДА

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

«ДИЛРАБО» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ХОНАНДАЛАР:

Шералн ЖЎРАЕВ, Хадича АЛИМАРДОНОВА, Алижон ҲАСАНОВ, Нодира АҲМЕДОВА, Насиба ЭГАМБЕРДИЕВА, Ғуломжон ДАДАХОНОВ, Фотима БАРАТОВА.

РАҚҚОСАЛАР:

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати

ҚАРИМА УЗОҚОВА

Дилбар АБДУЛЛАЕВА, Раҳима РИХСИЕВА, Отажон РАЖАБОВ.

Оригинал жанрда — Саттор ИСЛОМОВ.
Интермедия ва юморда — Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Абдуфатто ҳ САИДОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Мавжуда Холдорова олиб боради.

«ДИЛРАБО» ансамблининг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССР халқ артисти Айюб ҚОДИРОВ.

Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист — Салоҳиддин ТЎХТАСИНОВ.

Филармониянинг бадиий раҳбари — Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотларининг лауреати, композитор Мирсодиқ ТОЖИЕВ.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан, шанба ва якшанба кунлари соат 10.00 дан сотилади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

БИЗГА ҚАНАҚАНГИ ПОЙАФЗАЛ КЕРАК?



Албатта, ҳар ким чиройли, қулай, пишиқ ва модадаги пойафзални ёқтиради. Биз, шунингдек, табиий чармдан тикилган пойафзал кийишни афзал кўрамиз.

Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикаси ишлаб чиқарабошлаган янги моделдаги эркаклар пойафзали ана шу талабларга жавоб беради.

Цехлардан бирига ўрнатилган янги ускуна фабрикада ўз ташқи кўриниши ва сифат жиҳатдан энг яхши Ватан ва чет эл нусхаларидан қолишмайдиган пойафзаллар тикиб чиқариш имконини яратди.

Ҳозир фабрика эркакларнинг икки моделдаги боғичли ва боғичсиз полуботинкаларини ишлаб чиқармоқда. Полуботинканинг юзи — табиий хромдан, таги — полиуретандан, пошнаси — 40 мм.

Яқин кунларда фабрика яна икки моделдаги эркаклар пойафзалини ишлаб чиқаришга киришади. Шу йил охиригача янги ускуна ёрдамида эркакларнинг янги моделдаги 300 минг жуфт оёқ кийимлари ишлаб чиқарилади.

Бу пойафзалларни ГУМ, «Чилонзор» савдо марказининг пойафзал бўлимлари ва ихтисослашган ҳамма пойафзал магазинларидан харид қилиш мумкин.

ТОШКЕНТ 2-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ.


«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

ХОҲЛАГАНИНГИЗНИ ҲАДЯ ЭТИНГ!

Совға олиш, албатта, дилга хуш ёқади. Совға ҳадя этиш эса, бундан ҳам аъло. Халқаро хотин-қизлар куни 8 мартда хотин-қизларга совға-салом тортиқ этиш қанчалар яхши.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ БАЙРАМ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ ВА БАЙРАМ ХАРИДЛАРИ УЧУН ТАКЛИФ ЭТАДИ

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ



Трикотаж бўлимида сиз «Малика» фирмаси ишлаб чиқарган гулли ва сидирға рангли блузкалар, кримплен кўйлаклар, шерсть жакетлар, жемперлар, ички кийимлар сотиб олишингиз мумкин.

Тайёр кийимлар ранг-баранг ва турли хил. Шойи, кримплен кўйлаклар, хонатлас, кримплендан тикилган миллий кўйлаклар, шойи ва ип газлама халатлар ҳар куни савдода мавжуд. Уларни Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси республика «Модалар уйи» мутахассислари ишлаб чиққан моделлар асосида тиккан.

Импорт кримплен костюмлар сидирға рангли, бўйига жигарранг йўллн; Ватанимизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган очиқ рангдаги плашчлар баҳор мавсумига жуда монанддир.

Кўчалик ва ҳар куни кийиладиган кўйлаклар, енгил халат, сарафан, блузка учун бирон кийимлик ҳадя этиш аёллар учун энг яхши совға бўлиши мумкин. Шойи, кримплен, ипли газмоллар, уларнинг турли ранг ва тусдаги намуналари, гул босилган ва сидирға рангли хиллари баҳорга атаб кийим-бош тикгиришга ҳамда замонавий модада кийинишга имкон беради.

Парфюмерия ва косметика аёллар учун ҳамма вақт биринчи даражали зарур предмет бўлиб келган. Шунинг учун атирлар, упалар, лосьонлар, кремлар аёллар учун ажойиб совға бўла олади.

Фрунзе савдо маркази халқаро хотин-қизлар кунига чиройли безак берилган сюрприз коробкалари, совға наборлари: «Кармен», «Пахта байрами», «Зангори гумбазлар», «Ўзбекистон», «Феруза».

«Вечерние», «Дилором», «Красний мак», «Серебристий ландиш», «Хоним», «Ширин», «Гўзал» каби атирлар;

Юз ва қўлга ишлатиладиган кремлар, упалар, лосьонлар тайёрлаган.

Ёғоч, пластмасса, суяк ва металлдан ишланган сувенирлар эсдалик совғалари бўла олади.

Байрамга табиий ва сунъий ипак, крепдешиндан тикилган рўмоллар, зонтлар, ётоқ комплектлари, дастурхон, тукли сочиқлар ва бошқаларни ҳадя этиш ҳам ёмон бўлмайди.

Фрунзе савдо маркази ва унинг Фарҳод ярмаркасидаги филиалига марҳамат қилинг!

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

«Средазникипишпром» институти коллективи технология бўлимининг етакчи инженери Ж. Исроиловага онаси

Раҳбар МИРРАҲИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 Тошкент БЕТ. ОҚШОМИ
3 МАРТ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83, қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпар варлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Р. 032236. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1249.